



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 17 апрел, чоршанба №62 (1279)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

«МАТИЗ» САЁХАТ ҚИЛМОҚДА

«ЎздЭУавто» заводининг Андижон вилояти бўйича бош воситачиси «Автотехизмат» акционерлик жамияти республикамиз шаҳар ва вилоятлари бўйлаб автопойга уюштирди. Саккиз кишидан иборат экипаж «Матиз» ва «Дамас»ларда 7 кун ичида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Гиждувон, Урганч, Хива шаҳарларида бўлди ва 3500 километр масофа босиб Андижонга қайтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Н.С.Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси раҳбари этиб тайинлаш тўғрисида

Носиржон Собирович Юсупов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси раҳбари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 16 апрел

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Т.Холтоевни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Туроп Холтоев бошқа ишга ўтиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири - Агросаноат комплекси раҳбари вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2002 йил 16 апрел

Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги байрамини таъбирлар кўриш ва ўтказиш республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, тегишли вазирлик, кўмига, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Х.Кароматов бошқарди.

ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ БАЙРАМГА ҲОЗИРЛИК

Байрам тантаналарига тайёргарлик жараёни ва бу борада жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, маданият ишлари вазири Х.Жўраев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Р.Қурбонов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б.Парпиев, режиссёр Р.Хамидов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Таъкидланганидек, истиқлолимиз янги ўн йиллигининг биринчи йили хайрли бошланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделимиз, ширимизга айланаётган кетган «Ислохотлар ислохот учун эмас, ислохотлар инсон учун» тамойилини янада тўлароқ рўйбга чиқариш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Инсон манфаатини таъминлашнинг манткий давоми сифатида жорий йил «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинди.

Ўртимиз бўйлаб бунёдкорлик ишлари кенг қулоч ёйди. Дунёдаги энг қўнча ва бетакор масканлардан бири - Ўтмиши шарафли, келажаги буюк Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги нишонланди. Энди эса жаҳон тарихи ва маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутган яна бир қадимий шаҳримиз - Шаҳри-сабзнинг 2700 йиллигини кенг байрам қиламиз.

Давлатимиз раҳбарининг Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифи халқаро муносабатларимизда янги саҳифа очди, юртимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори янада ортди. Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси ижтимоий-сиёсий турмушимизда туб бурилиш нуқтаси бўлди. Ўртбошимизнинг сессиядаги маърузасида мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги энг долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Шунинг учун ҳам халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами тантаналари ана шу юксак руҳда, ҳар галгидан ҳам кўра жозибали, кўтаринки, шуқули, бетакор ва томошавий ўтиши, унда амалга оширилаётган улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, тинчлик ва фаровонлик йўлида фидокорона меҳнат қилган кишиларимизнинг сиймолари бадий лавҳаларда акс эттирилиши лозим. Зеро, ҳар бир байрам баҳона санъатимизнинг янги қирралари намён бўлади, янги-янги истеъдодлар кашф этилади, байрам мазмун-моҳиятига мос замонавий куй-кўшиқлар, жозибали рақслар, ранг-баранг томошалар яратилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги каби санъат жаҳасидаги ана шу ютуқларимиз ҳам жаҳон жамоатчилиги томонидан зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Мажлисида байрам сценарийини яратишга алоҳида эътибор қаратиш, бу ишга ижодкорларни кенг-роқ жалб қилиш, тантаналарда иштирок этувчи фольклор бадий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, баҳши-шоирлар ҳамда ёш эстрада гуруҳлари таркибини аниқлаш, дастурларини саралашга жиддий эътибор қаратиш кераклиги қайд этилди. Мардлик, жасорат ва ватанпарварликни мадҳ этувчи, баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашга хизмат қилувчи, тинчлик ва оқилоллик ҳамда бунёдкор халқимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи бадий дастурлар яратиш устида иш олиб бориш мақсада муровиқ экани таъкидланди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов сўзга чиқди.


(ЎЗА)

«МУРУВВАТ» ВОДИЙ БЎЙЛАБ

Поп тумани Гулистон қишлоғида яшовчи 2-гурӯх ногирони Мавлонжон Тўраев ногиронларни қўлаб қуватлаш «Мурувват» марказини ташкил этди.

«Каунтерпарт консорциум» халқаро фондининг Наманган вилояти бўлими марказга ўзининг беминнат ёрдамларини бера бошлади. Бундан ташқари улар «Мурувват»га ҳамкорлар топишмоқда ҳамда марказнинг ишини ривожлантиришда йўналишлар, тавсиялар бериб, тренинглари ўтказаяпти.

Мақсадимиз нафақат вилоятнинг, балки водийнинг бошқа вилоятларидаги истеъдодли ногиронларни топиб, уларнинг истеъдодларини ривожлантиришда ёрдам беришдир, - деди марказ раҳбари Мавлонжон Тўраев «Туркистон-пресс» муҳбирига. - Ҳозиргача 12 нафар ногиронни тўплаб кўча мусикали театр студиясини ташкил қилдик ва 21 кун давомида Андижон вилояти бўйлаб дастлабки сафаримизни ўтказдик.



Сариосиё туманидаги «Ботирхон» хусусий фирмасида қурилиш ишлари учун зарур ҳисобланган бетон плиталари ва шлакблоқлар ишлаб чиқарилади. Аҳамиятли томони шундаки, бу маҳсулотларни вилоят миқёсидаги қурилиш ташкилотларига буюртма асосида зарур миқдорда етказиб беради. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини оширишда ишчи-хизматчиларга кўрсатилаётган рағбат ва ижтимоий ҳимоя муҳим ўрин тутмоқда.

Суратларда: (чапдан) ишчи Омон Эшонбоев; (ўнгда) Муҳиддин Имомов ва Ҳамид Қаландаров. И. ХАСАНОВ олган суратлар.

Ҳаётимизни, ишлаб чиқаришнинг ҳар сониясини электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида «Электр энергиясини нега тежамаймиз?», деганларининг боиси ҳам шундан.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 февралдаги қарори билан «Ўзда-энергосазорат» агентлиги ташкил топганлиги, унинг зиммасига энергия сарфи устидан мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатиш вазифаси юкланганлиги ҳам бежиз эмас.

та қондабузарлик ҳолатлари очиб ташланди.

Айниқса, қишлоқ ва сув хўжалиги, энгил sanoat ҳамда «Ўзагорамшсервис» тизимида электр энергияси исрофгарчилигига барҳам берилаётган. Нобудгарчиликка йўл қўйган 135 та корхонага 13 миллион сўмдан зиёд, жумладан, 17 нафар мансабдор шахсга 296088 сўм жарима солинди.

М.Бобур номили йиғирув-тўқув хиссадорлик жамиятида ўтказилган текширишларда цехлар ва ишлаб чиқариш биноларида электр чиқоқлари кундузлари ҳам мақсадсиз ёниб тургани маълум бўлди. Бунинг устига дастгоҳлар танаффус пайтида ўчирилмайди. Ҳисоб-китоб қилинганда, 175140 киловатт соат электр энергияси ҳавога соғурилганлиги ойдинлашди. Хар ким эканини ўради, дейдилар. Бунинг учун жамоа 783778 сўм жарима тўлади. Аҳвол

шундай экан бош энергетик Игор Пак қаёққа қарапти, деган ҳақли савол туғилди.

«Само» йиғирув-тўқув хиссадорлик жамиятида электрдан ўғринча фойдаланиш давом этаётганлиги афсусланарлидир. Умуманан, бошқарув раиси Шукур Қурбонов, бош энергетик Геннадий Курчикларнинг парвои-фалак. Энергиядан фойдаланиш таҳлил этилганда умумий қуввати 3,4 киловатт 29 та чироқ бехуда ёнганлиги далолатнома билан тасдиқланди. Бу калавачиларга 182168 сўм зарар келтирди.

Энергия қувватидан белгиланган лимитдан, яъни меъёрдан ортқича фойдаланиш корхоналарга катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Вилоят электр тармоқлари шўёба корхонасининг маълумотларига кўра, вилоятда 149 та жамоа 760,958 миң киловатт соат ортқича қувват сарфлагани учун 24610 миң сўм жарима тўлашга мажбур бўлган. Катта Андижон канали, Хонобод шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси, Асака мотор таъмирлаш хиссадорлик жамиятида ана шундай исрофгарчи-

турса-да, бошқарув раиси Шукур Қурбонов, бош энергетик Геннадий Курчикларнинг парвои-фалак. Энергиядан фойдаланиш таҳлил этилганда умумий қуввати 3,4 киловатт 29 та чироқ бехуда ёнганлиги далолатнома билан тасдиқланди. Бу калавачиларга 182168 сўм зарар келтирди.

Энергия қувватидан белгиланган лимитдан, яъни меъёрдан ортқича фойдаланиш корхоналарга катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Вилоят электр тармоқлари шўёба корхонасининг маълумотларига кўра, вилоятда 149 та жамоа 760,958 миң киловатт соат ортқича қувват сарфлагани учун 24610 миң сўм жарима тўлашга мажбур бўлган. Катта Андижон канали, Хонобод шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси, Асака мотор таъмирлаш хиссадорлик жамиятида ана шундай исрофгарчи-

«Ишонч» бонг уради

Тўлов интизоми ҳам бўшаштириб юборилган. Электр энергиясидан муддатга ўтган қарздорлик вилоятда 313,5 миллион сўмдан ошиб кетди. Биргина Қўрғонтепа туманида истеъмолчиларнинг қарзи 2002 йил 1 март ҳолатига 56 миллион 416 миң сўмга етганлигини қандай изоҳлаш мумкин. Текшириш натижалари бўйича 10 та қонунбузилиш ҳолатлари назорат идораларига тақдим этилди. Натижада 162400 сўм жарима пули прокуратура органлари ёрдамида ундирилди.

Моддий ресурслардан, хусусан, электр қувватидан тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликка қарши кураш ҳар бир ташкилот, ким ҳам харид қиларди? Бундай аҳволда иш ҳақини вақтида тўлаш; моддий рағбатлантириш, меҳнат муҳофазаси каби ижтимоий ҳимоя тадбирлари йўл бўлсин. Энг ёмони, жаҳон бозорига чиқиш йўллари беркилади.

Фанжихон ТҮЙЧИЕВ, «Ўздаэнергосазорат» агентлиги Андижон вилоят бўлими бошлиғи.

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси билан ҳамкорликда Чўл вилоятининг 4ўл туманларида истикомат қилувчи аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш мақсадида «Саломатлик поёзди» ташкил қилди.

Йигирма кун давом этадиган бу тадбирга тиббиёт институтлари профессор ва ўқитувчилари ҳамда республика даволаш-профилактика муассасаларининг юқори малакали мутахассислари жалб этилган.

(ЎЗА)

Жамиятимизда нодавлат, жамоат ташкилотларининг, аввало фуқаролик институтларининг ривожланишига кенг имкониятлар очиб бериш ва уларнинг фаоллигини оширишга кўмак ва ёрдам кўрсатиш даркор.

Ислом КАРИМОВ.

Пок ниятли одамларнинг дуоли инсонга қанот бағишлайди. Бибисорани тиббиётга бўлган чексиз меҳр ва падали бузрукворининг оқ фотиҳаси Самарқандга бошлаб келди. Қадимий Қўнғир тоғлари этагидаги Некуз қишлоғида туғилган соддагина қишлоқ қизини қайноқ шаҳар ҳаёти ўз бағрига олди. 1971 йил Самарқанд Давлат Медицина институтини имтиёзли диплом билан тугатгач, госпитал хирургияси кафедрасида илмий ишларини давом эттирди.

Таърибли тиббиёт ходими аёлларнинг дардларига дармон бўлиш фикри ўйи билан яшар эди. Опа хотин-қизларга ёрдам берадиган, оғирини енгил қиладиган жамоат ташкилоти тузиш ҳақида кўп ўйларди. Турмуш ўртоғи Бобукул ака Амиркулов билан маслаҳатлашганда таклиф у кишига ҳам маъқул тушди.

1998 йил август ойида АҚШнинг ЮСИС агентлиги ва Сорос фондининг қўллаб-қувватлаши туфайли «Сабр» маркази қошида янги бир ташкилот вужудга келди. «Умид» деб аталадиган нодавлат, нотижорат минтақалараро реабилитация маркази тузилди ва юридик шахс сифатида расман рўйхатдан ўтди.

Фуқаролик жамияти ривожланишида нодавлат ташкилотларининг тутган ўрни беқиёсдир. Шуниси эътиборга лойиқки, «Умид» маркази мамлакатимиздаги ногирон аёллар ва болалар учун очилган биринчи бошпана (шелтер) ҳисобланади. Эндиликда унинг имкониятлари кенгайтирилиб, қишлоқ ёшлари ва аёлларига ҳам кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Марказнинг мақсади Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Навоий ва Сурхондарё вилоятларида қишлоқ аёллари ва ўсмир ёшлар ўртасида иш олиб бориб, демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат.

Аёлларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш,

улар фаоллигини ошириш, жамиятда ва шахсий ҳаётда тенг ҳуқуқлигини таъминлашда уларга ўз ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар бериш, куйиш, юқумли ва теританосил касалликларининг олдини олиш, гиёҳвандлик каби иллат-

керак? Тақдирга тан бериб, мунчоқдай ўғил-қизлари билан олис Ушдан ота уйига қайтди.

Яқинларининг маслаҳати билан Самарқанддаги куйганларни даволаш марказига мунинг олдини олиш, гиёҳвандлик каби иллат-

керак? Тақдирга тан бериб, мунчоқдай ўғил-қизлари билан олис Ушдан ота уйига қайтди.

«УМИД»

ларга қарши курашиш, ҳомиладор аёлларнинг саломатлигини сақлаш марказининг асосий вазифаларига қиради.

— Жабр кўрган ва турар жой топа олмай тушкунликка тушган аёллар ҳамда болаларга, шу жумладан, куйгандан кейинги ногиронларга руҳий, тиббий, ҳуқуқий, ижтимоий ёрдам берамиз, — дейди биз билан суҳбатда марказ раҳбари Б.Орипова. — Уларнинг қобилияти ва истеъдодига қараб касб-ҳунарга ўргатамиз.

1993 йилнинг май ойи эди. Ургут туманининг Найман қишлоғида улғайиб, Уш вилоятга турмушга чиққан Мохира Аликулова тўсатдан куйиб қолди. Севиб турмуш кўрган ёстикдоши ҳам ундан юз ўғирди. Нима қилиш



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

* Самарқанддаги «Умид» минтақалараро Реабилитация Маркази 1998 йил август ойида фаолият бошлаб, 1999 йил феврал ойида давлат рўйхатидан ўтган.

* «Умид» ҳукумат ташкилотлари хусусан, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, ҳуқуқ-тартибот идоралари, ўз-ўзини бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан мустақам ҳамкорлик ўрнатган.

* Марказ ташкил этилгандан буён республиканинг турли ҳудудларида аҳолига 200 минг АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди.

* Унинг қошида очилган Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Навоий ва Сурхондарё вилоятлари олис қишлоқларидаги «Некуз», «Суянч», «Меҳригиё», «Сабоқ ва мадад», «Юлдуз» каби ўндан ортик бўлими фаол ҳаракатда.

* У ўз фаолиятини бошлагандан буён 5053 нафар киши мурожаат қилган. Улардан 1672 нафари шу ернинг ўзида бошпана билан таъминланган. «Умид»нинг «Ишонч» телефонига 2900 нафардан ортик киши маслаҳат сўраб мурожаат этган.

* Марказга келувчилар психолог, педагог, комбустиолог, ҳуқуқшунос, гинеколог, физиотерапевт ва бошқа мутахассислар хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Шифокорнинг муолажалари, панду-насихатлари ёш аёлни ҳаётга қайтарди. Тушкунликдан қутулиб, соғлигини тиклади. Ҳозирги пайтда М.Аликулова марказнинг Ургут туманидаги «Суянч» бўлими раҳбари. Бўлимда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ҳамшираси Рисолат Аликулова ва ҳуқуқшунос Лола Аслана билан ҳамкорликда 200 нафардан зиёд хотин-қизга яқин маслаҳатгўй.

Ўтган йили Қашқадарёнинг олис Некуз қишлоғидаги қаровсиз

амалга ошираётган ишларига қизиқиб қолган АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси Жон Хёрбст жаноблари дастлаб «Тез ёрдам» машинаси ҳадя этган бўлса, бу йил 20 тоннадан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари топширди.

Аёллар ва ўсмирларга ижтимоий ёрдамни кучайтириш мақсадида Қарши шаҳрида, Косон ва Чироқчи, Самарқанднинг Жомбой, Тойлоқ, Жиззахнинг Бахмал, Навоийнинг Хатирчи, Сурхондарёда «Меҳри-

Кучли давлатдан кучли жамият сари

нос, социолог, гинеколог, сексопатолог, физиотерапевтлар хизмат кўрсатяптилар. Даволанувчилар гинеколог Мавжуда Жалолова, куйганлар ҳақими Ўктам Ражабов, психолог Дилбар Бекирова-тондаги фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Кристофор Ингрэм, АҚШ давлат сенатори Филипп Инглиш, аме-

бурюб, аёллар ва болалар билан суҳбатлашди. Кўпгина чет эллик ҳомийлар ва ҳамкорлар саҳоват марказида бўлиб, ўзларининг дастхатларини ёзиб қолдиришган. Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Кристофор Ингрэм, АҚШ давлат сенатори Филипп Инглиш, аме-

да ўндан ортик кичик филиаллар очилган. Хайрли ишлар давом эттирилмоқда. Узининг жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этган маҳаллий бошқарув идоралари аёллар марказларини моддий-техник базасини мустақамлашга мадад қилини чўзмокда.

Республикамиз хотин-қизлари ўртасида ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган кўплаб илмий-назарий семинар-кенгашлар, амалий машғулотлар ўтказиладики, унинг қатнашчилари ўзларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини янада мустақамлашга муваффақ бўлаяптилар.

— Фаолият доира-мизни кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилган, — дейди марказ раҳбари. — Тойлоқ туманидаги 6- Жомбой туманининг Бешбола қишлоғидаги мактаблар, Чироқчининг Бешчашма ҳўжалигидаги ҳаммомни таъмирлаш ишларига кўмак бермоқчимиз. Мақсадимиз, ёш авлодни таълим-тарбия олиши учун қулай шароит яратиб беришдан иборат.

Савоб ишнинг эртакечи бўлмади. Хайрли тадбирларни ўтказишда Сорос, Каунтерпарт Консорциум, Каунтерпарт Интернэшнл халқаро ташкилотлари, Буюк Британия, АҚШ каби йирик давлатларнинг элчихоналари билан ҳамкорлик қилинапти.

Тадбиркор ва фидоий шифокор Бибисора Орипова ташаббуси билан ташкил этилган «Умид» минтақалараро Реабилитация Маркази фаолияти Вазирилар Маҳкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлигини мустақамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш, оила манфаатларини мустақамлаш, жамиятда аёллар маъқеини кўтариш, соғлом ва хур фикрли авлодни шакллантириш, аҳоли саломатлигини яхшилашга хизмат қилади.

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессиясида Президентимиз «Нодавлат жамоат тузилмалари ва уюшмаларини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг фаолият кўрсатиш қарорлари ва шартлари тўғрисида» қонун ишлаб чиқиш пайти келганлигини, нодавлат тузилмаларини қўллаб-қувватлаш учун махсус молиявий жамғармалар ташкил этиш, уларни шакллантириш тартибини белгилаш лозимлигини алоҳида таъкидлаганди. «Умид» нодавлат ташкилотининг фаолияти ана шу мақсадларга мос келади.

«Умид» юлдузлари янада ёрқинроқ порламоқда. У ўз номи билан умидбахшдир...

Иззат ХИКМАТОВ,
«Ишонч» махсус муҳбири.

НОДАВЛАТ, НОТИЖОРАТ МИНТАҚАЛАРАРО РЕАБИЛИТАЦИЯ МАРКАЗИДА

рикалик машҳур жамоатчи аёл Жудид Мюллер ва ёшлар шулар жумласидандир.

Марказ асосан аёллар ва ўсмирлар муаммолари билан шуғулланаётганлиги учун ҳам вилоятдаги хотин-қизлар кўмиталари, аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари вилоятлараро куйганларни даволаш шифохонаси, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», Ногиронлар, Кўзи ожизлар, Қизил Ярим Ой жамиятлари, Тадбиркор Аёл Ассоциацияси, «Сабр» ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаяпти.

«Умид» фаолиятини ёритишда «Правда Востока», «Оила ва жамият», «Зарафшон», «Регистон» газеталари, Са-

қолдирилган ёзги компьютер биноси таъмирланиб, аёллар ижтимоий маркази очилди. Шундан бери марказ раҳбари Дилдора Амиркулова ва фаоллар иштирокида 7 минг нафардан ортик ҳомиладор аёллар бепул тиббий кўриқдан ўтказилиб, тегишли маслаҳатлар берилди.

Имконияти етадиган, иқтисодий жиҳатдан таъминоти яхши инсонлар, жамоат ташкилотлари ҳар доим химмат кўрсатиб келганлар. Американинг Каунтерпарт Интернэшнл фондининг Чап ташкилоти томонидан 119 минг АҚШ доллари миқдоридан инсонпарварлик ёрдами берилди. Қийим-кечаклардан иборат мазкур кўмак ногирон ва аҳолининг кам таъминланган қатламига тарқатилмоқда. Марказ фаолияти билан танишиш жараёнида унинг

«Сабоқ ва мадад», «Юлдуз» каби бўлимлари очилди. Хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий, ҳуқуқий билимларини ошириш, саломатлигини мустақамлашда бошланғич бўлимларнинг хизмати катта.

Марказ ўз фаолиятини бошлагандан бери 5053 фуқаро ёрдам кўрсатишни сўраб, мурожаат қилди. Улардан 1672 нафари шу ернинг ўзида даволанди. Ёрдам кўрсатилганларнинг 65 фоизини хотин-қизлар, 35 фоизини болалар ташкил этади. Марказнинг ишонч телефонида 2900 нафар киши кўнғироқ қилган.

Марказ турли кўнғилсиз ходисаларга қарши курашиш билан чекланмасдан, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш чораларини ҳам изламоқда. Чироқчи тумани Аннарўз қишлоғидан Нарғиза, Пайриқ туманидан Марҳабо, Ургут туманидан Дилоромлар ўз хатоларини тушуниб, марказда яшаш билан бир қаторда ишлаяптилар ҳам. Ҳа, «Умид» очилган пайтда 6 ўринли бошпана ташкил этилган эди, бугунги кунда ўринлар сони 12 тага етказилди. Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кичик бўлса-да, жарроҳлик ва биринчи ёрдам кўрсатиш бўлимларини очиш учун ҳомийлик ёрдамини кўрсатди. Марказда хизмат кўрсатиш ва овқатланиш бепул. Уларга юқори малакали — психолог, педагог, комбустиолог, ҳуқуқшу-

ЭЗГУ МАҚСАД: ИЖТИМОЙ СОҲАДА

* Аёллар ва ёшларда фуқаролик фаоллигиришга етакчилик қобилиятларини ривожлантиришга кўмак бериш;

* Ўқув семинарлари орқали аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

* Аёллар ва ёшлар олдида вужудга келган маънавий-руҳий қийинчиликларни бартараф этишга ёрдамлашиш;

* Психологик ва юридик маслаҳатлар бериш билан бирга уларга мадад қилини чўзиш;

* Ёшларни турмушга тайёрлаш борасида ўқувлар уюштириш;

* Соғломлаштириш, оилада фарзанд тарбияси бўйича маслаҳат ва ўқув семинарлари ташкил қилиш.

МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ СОҲАДА

* Ҳуқуқий саводхонлик;

* Ижтимоий фикрларни ўрганиш;

* Экологик саводхонлик;

* Касбий таълим;

* Танқидий фикрларни ўрганиш.

каз ходимлари ўн нафар бўлса, кўнғиллилар 80 нафардан ошиб кетди. Ёш болалар соғломлаштирилиши билан бирга шаҳардаги 34-мактабда ўқитилади. Буюк Британия элчихонаси ажратган компьютерларда ўз саводларини оширадлар.

АҚШнинг Тошкент шаҳрида жойлашган қатор фондлари — ЮСИС, ЮСАИД марказни ҳар томонлама қўллаб-қувватляпти. Яқинда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқуллода ва мухтор элчиси жаноб Жон Хёрбст «Некуз» бўлимига ташриф

марқанд телевиденияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари ишчанлик ва тезкорлик кўрсатишяпти. Данияда нашр этиладиган «Милосердие» журнали билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Марказнинг «Умид» деб номланган ойлик иловасида янгиликлар, амалга оширилаётган ишлар ўз ифодасини топмоқда.

Мамлакатимиз худуди кенг ва бепоён. Олис яйловлар, тоғ қишлоқлари ва овулларда қалбида оламолам орзулари жўшурган хотин-қизлар яшайди. Булар ҳисобга олиниб, чекка қишлоқлар-



Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида Ўзбекистон ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасининг кўчма кубоги учун миллий кураш бўйича III республика турнирининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ўзбекистон қадимий миллий спорт тури ҳисобланган кураш мустақиллик йилларида жаҳон ахли эътиборини ўзига тортди. Кураги ерга тегмаган полвонларимиз халқаро аҳамиятга эга бўлган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга муваффақ бўлдилар.

Ўшбу спорт турига қизиқшининг ортиши, иқтидорли полвонларнинг етишиб чиқишида, сир эмаски, Ўзбекистон касабаси уюшмалари томонидан ташкил этилаётган спорт тадбирларининг ҳам аҳамияти катта бўлмоқда. Чунки бундай мусобақалар ҳар бир корхона ва ташкилотда ўтказилиб, оддий ишчидан касабакўм раисига қамраб олади.

Эътироф этиш лозимики, тўрт вазн тоифаси

ҳамда ёшга доир уч гуруҳ бўйича ташкил этилган турнирнинг намуна ва юқори савияда ўтказишда тармоқнинг «Нурчи» жисмоний-соғломлаштириш ва спорт клуби ходимларининг тажрибаю маҳоратлари кўл келди. Бундан ташқари энг замонавий спорт залларидан бирида ташкил этилишидан ҳам кўриш мумкин.

— Бу каби турнирлар меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини



баламд келди. Самарқандлик У.Облоқулов иккинчи, Тошкент вилоятидан А.Иброҳимов ва Жиззахлик И.Буруновлар учинчи бўлдилар.

90 килограммгача бўлган вазн тоифасидагилар ўртасида голиблик Сурхондарёлик полвон Б.Эшонқуловга насиб этди. Бухоролик полвонга иккинчи, Наманган вилояти вакили Д.Баҳодиров ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси вакили А.Алланиёзовларга

Касаба уюшма тадбири

вонларнинг 73 килограммгача бўлган беллашувларида ҳам улоқ Бухоро вилояти вакилларида кетди. 81 килограмм вазнлилар ўртасида голиблик полвон Р.Муқимов голиб бўлди. 90, 100 ва ундан юқори вазн тоифасидагилар ўртасида ўтган курашда Сурхондарё вилояти полвонлари мутлоқ голиб бўлди.

Ҳар бир вазн тоифаси ва ёшга доир гуруҳларнинг мутлоқ голиблари I даражали диплом, олтин медал ҳамда қимматбаҳо совғалар, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари II ва III да-

ражали диплом, кумуш ва бронза медаллари, шунингдек, қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти голиб чиқиб, Марказий кўмитанинг кўчма кубоғини қўлга киритди. Бухоро вилояти вакилларига иккинчи, Тошкент вилояти полвонларига учинчи ўрин насиб этди. Турнирнинг ҳар бир қатнашчисига эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаббат ҲУМОНБЕКОВА, «Ишонч муҳбири».

ОММАВИЙ МУСОБАҚАЛАР

ёрқин юлдузларни кашф этади

соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт оммавийлигини ошириш учун хизмат қилади, — деди жумладан турнир иштирокчиларини қутлар экан Ёқилги-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси раиси Алишер Ғуломов.

— Шу боис бугунги тадбирнинг аҳамияти каттадир. Зеро, оммавий мусобақалар ўзбек спортининг ёрқин юлдузларини кашф этади.

кўтаринки руҳ бағишлаб турди.


Нихоят, бирин-кетин голиблар аниқлана бошланди. 18-35 ёшли, 73 килограммгача бўлган вазндаги полвонлар ўртасида ўтказилган баҳсларда Бухоро вилояти жамоаси вакили А.Саитов голиб бўлди. Иккинчи ўринни Жиззахлик И.Маҳмуддинов эгаллади. Сурхондарёлик П.Тўрабоев ҳамда Наманганлик Р. Аҳмедовлар учинчи ўринни баҳам кўрдилар.

Худди шу ёшдагилар ўртасида 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида ўтказилган беллашувларида ҳам бухоролик полвонларнинг қўли

учинчи ўрин берилди.

100 килограммгача ва ундан юқори вазн тоифасидаги курашчилар ўртасидаги беллашувларида ҳам бухоролик полвон Э.Азизов голиб чиқди. Қашқадарёлик Н.Эшонқулов иккинчи, қорақалпоғистонлик М.Берданов ва Тошкент вилоятилик С.Собировлар учинчи бўлдилар.

36-45 ёшли полвонларнинг 73 ҳамда 100 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги баҳсларда яна бухоролик полвонлар пешқадамлик қилдилар. 81 ҳамда 90 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги курашда эса қашқадарёликлар голиб чиқди. 46-60 ёшли пол-



Биласизми?

КИТОБЛАР ТАРИХИДАН

Дунёда биринчи босма китоб ҳиндчадан хитой тилига таржима қилинган «Олмос Сутра»дир (сутра — муқаддас китоб, демаскидир). Китоб бор-йўғи етти саҳифадан (олти бети матн ва бир бети расм) иборат эди.

«Сутра» 868 йилда ёғоч босма усулида босилган.

XIX асрнинг 70-йиллари охирида Хоразмда тошбосма (литография) пайдо бўлди. 1880 йилда Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» («Хамса»нинг биринчи достони), «Девони Муноси» (Муноси Хоразийнинг шеърлар тўплами) ва «Девони Рожий» асарлари босилиб чиқди. Ўрта Осиёда китоб чиқариб тарқатишда тошбосма муҳим ўрин тутган.

1868 йили Тошкентда биринчи босмахона ташкил этилди. Уша йилёқ унда «Чув ва Норин дарёлари юқори қисмидаги тоғлик ўлка ва орқали Шарқий Туркистон (ҳозирча Синьцян)га ўтадиган йўллар ҳақида мулоҳазалар» деган китобча босилиб чиқди.

1553 йилда Россия подшоиси Иван Грознийнинг фармони билан босмахона куришга киришилди. Бу ишга мутасадди қилиб Иван Фёдоров тайинланди.

Нихоят, босмахона, орадан ўн йил ўтгач, 1563 йилда куриб йирилди ва 1564 йилнинг мартада Россиядаги биринчи босма китоб — «Апостоль» (Исонинг шогирдлари — Ҳаворийлар тўғрисида баҳс этувчи диний китоб) босмадан чиқди.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Иқтидор ҲАЁТ ЧАҚИРАДИ МЕНИ ЁНИГА

Ушанда Муқаддас ўн ёшлардаги қизалоқ эди. Ота-онаси билан қўшни Қирғизистоннинг Каравон шаҳридаги қариндошлариникига меҳмонга бориб қайтишаркан, Косонсойга кираверишда, кун ботиш томондаги тоғлар билан беллашгудек бўй чўзган тепаликдаги «Муғ» қальғаси ёнгинасидан, тўғрироғи, унинг пойидан оқиб ўтган сой қирғоғида сал муддат тўхтаб ҳордиқ чиқаришди. Бошқалар сойнинг икки соҳилида чойшабдек ёйилган олмазор боғларга, худди қаёққадир шошаётгандек шарқираб оқаётган кумушранг сой суви тўлкинларига қизиқиш билан тикилишарди-ю, қизчанинг нигоҳи худди бировни кутаётгандек сирли сукунат ичида қолган қадимий қальға харобаларида эди.

Кейинчалик Муқаддаснинг «Муғ» қальғаси харобаларига қизиқиши янада кучайди. Худди шу қальға қолдиқлари билан туташ болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқараркан, тарбиячиларидан руҳсат сўраб дугоналари билан унинг худудини эринмасдан ўрганишар, турли хил тангалар, рангли сопол ва чинни парчаларини йиғишарди. Қиздан туманда яшаб ўтган тарихий шахслар ва қадимий обидалар ҳақида сўраганимизда у қуйидагича жавоб қайтарди: — У вақтда еттинчи синфда ўқирдик. Бир гал тарих ўқитувчимиз Гулбаҳор Отамирзаева бизга «Муғ» қальғаси тарихи тўғрисида машғулот ўтдилар. Шу билан бир қаторда буюк юртдошларимиз хусусида сўз юритиб, Самарқанд шаҳри яқинида абадий ором топган тарихат илми билимдонларидан ҳисобланган Маҳдуми Аъзам ҳақида ҳам гапириб бердилар. Шундан кейин болалигимдан эътиборимни тортиб келаятган «Муғ» қальғаси қолдиқлари кўзимга тагин ҳам сирли туюлди ва унга нисбатан қизиқишим ортди. Қальғага тез-тез келадиган бўлиб қолдим. Мактабимиз, кейинчалик туман, шаҳар ва ҳатто вилоят марказидаги кутубхоналарга бориб шу мав-

зудаги илмий-оммабоп асарларни ҳам ўқидим. Ўқув йили охирида Ўлкашунослар марказининг Республика иқтидорли болалар кўрик-танловида қатнашдим. Унда «Қадимий Косонсой тарихи», «Муғ» қальғаси, Маҳдуми Аъзамнинг дунёвий қарашлари мавзусидаги рефератим билан иштирок этиб, биринчи ўрин соҳиб бўлдим.

Муқаддас вояга етаётган хонадон тумандаги Чиндовул қишлоғининг оддий оилаларидан. Отаси Наимхон ака доришунос, онаси Маҳфиратхон опа уй бекаси. Аммо унда бундай белгиларни кўрмайсиз. Уйдагилар ва қўни-қўшниларининг айтишларича, меҳнатқаш, серхаракат. У тазлим-тарбия олаётган 42-мактабда ҳам устозлари фахрлиниб гапирарди. Аъло ўқиш билан бирга жамоат ишларида ҳам фаол экан. Унинг тарих фанини чуқур билишга интилиш билан бир қаторда инглиз тилини мукаммал эгаллашга уринаётганлигини таъкидлашди.

— Муқаддас ҳали ёш, эндигина тўққизинчи синфда ўқияпти, — дейди онаси Маҳфиратхон опа. — Шунга қарамадан унинг келажагидан умидимиз катта.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» муҳбири.

Хиндистонда сатхи 160 квадрат километр келадиган Самбар деган бир кўл бор. Бу кўл ажойиб хусусиятга эга: суви йилнинг саккиз ойи мобайнида шўр, қолган тўрт ойида эса чучук бўлади.

КЎЛ СИРИ

Хўш, бунинг сирини маълуми, Хиндистон энг иссиқ мамлакатлардан биридир. Бу ерда саккиз ой кўроқчилик бўлиб, шу мавсумда кўлдан 200 минг тоннага яқин ош тузи чиқариб олинади. Ваҳоланки, бунча туз билан Марказий Хиндистон аҳолисини бемалол таъминлаш мумкин. Июн ойидан эса ёнғингарчилик бошланиб, то сентябрга қадар давом этади. Шу тўрт ой давомида кўл суви чучук бўлади.

МЕҲРА ЭЛ БИРЛАШАР

Муҳтожларга меҳр-саховат, хайр-эхсон кўрсатмоқ халқимизнинг қадимий қадриятларидан саналади. Айниқса, бу савобли ишларда маҳалланинг ўрни бекиёс. Чунки у одамларни эзгулик атофида бирлаштирадиган маскандир.

Тўғри, биз кўп қаватли уйларда яшаймиз. Менимча, бундай мавзелардаги маҳаллаларнинг иш услуби оддий маҳаллаларникидан тубдан фарқ қилса керак. Нима бўлганда ҳам маҳаллада инсон ўзини ёлғиз ҳис қилмайди, меҳр-оқибат юракларни илтиб туради. Мен бу ҳақиқатни Наврўз муносабати билан маҳалламизда ўтган тадбирда яна бир қарра ҳис қилдим. Шу кунги гўё турли миллат вакиллари бир мақсад остида бирлашдилар. Диллар

диллардан қувватланди, қалбларни дўстлик, биродарлик ришталари янада мустаҳкамроқ боғлади. Байрам тадбиридан ҳеч ким четда қолгани йўқ.

Дошқозонлар осилди.

Оқибат

Иккита қозонда ҳалим, бирида қалла-поча қайнади, яна бирида ош дамланди. Ҳамманинг озида табассум, бир-бири кутлашади, ширин сўз айтишади. Айниқса, болалар шундай яйрадики, таърифига тил ожиз.

Хуллас, руслар, татарлар, ўзбек, тожик, қозоқ, барча-барчамиз тўкин дастурхон атофида йиғилдик. Қариялар тўрда — иззаатда, ёшлар хизматда бўлишди. Санъаткорлар даврага ўзгача файз бахш этди. Қўшиқлар рақсга уланди. Тун ярми-

да тарқалиб, тонгда яна стол атофида тўпландик. Дастурхонга ҳалим билан иссиққина нон, чой тортилди. Ҳатто нотаниш йўловчилар ҳам дастурхонга таклиф этилиб, ҳалим билан сийланди. Шу кунги биз кексалар юртга тинчлик, элга осойишталик тилаб дуо қилдик.

Тадбирдан мақсад халқни тансиқ таом билан сийлаш эмас, балки элни бир-бирига яқинлаштириш, бир дастурхон атофида ўтказиб, бир қозондан таом едириб, оғанин тутинтириш, дўстлик, меҳр ришталарини боғлаш эди. Ўртадаги дастурхон эса дўстликдан мавж уриб турган қалбимиз дастурхони эди.

Вилоят АБДУЛЛАЕВА, Чилонзор туманидаги Гулистон мавзеси, меҳнат фахрийси.



ҚОМУСИЙ БИЛИМ МАСКАНЛАРИ

Маълумки, Шарқ мамлакатларида академия тарзидаги муассаса ва жамиятлар VIII-IX асрларда таркиб топа бошлаган эди. Масалан, Хорун ар-Рашид ҳукмронлиги даврида «Байт ул-хикмат»га асос солинган бўлиб, Халифа Маъмун даврида «Байт ул-хикмат»нинг фаолияти янада ривожланди. Урта осийлик улғу олим Мусо ал-Хоразмий ва олим Муҳаммад ал-Фарғоний ўз тадқиқотларини шу академияда олиб борганлар.

Саҳл Масиҳий, табиб Абдулҳасан Ҳамморлар иш олиб боришган. Амир Темур Самарқандга тўплаган олим, шоир ва меъморлар XV аср фани ва маданиятига асос солган бўлса, Улуғбек мадрасаси ва расадхонаси ўша даврнинг ўзига хос академияси вазифасини бажарган. Унда Қозизода Румий, Ғийосиддин Жамшид ал-Қоший, Али Қушчи ва бошқа улғу фалакиётшунос олимлар етишиб чиққан.

XV асрнинг иккинчи ярмида илм ва маданият марказига айланган Хиротда Алишер Навоий атрофида олим шоирлар, рассому созандалар ва бошқа касб эгаларидан таркиб топган ўзига хос илмий ва маданий марказ юзага келган.

ЭҶТИРОМ

Самарқанд тумани Раванак кўрғонидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи талабалари касб-ҳунар сирлари билан биргалликда «Дамас», «Тико», «Нексия» каби автоуловларни бошқариш ва уларни таъмирлаш сирларини ҳам эгаллашмоқда. Шунингдек, улар амалий машғулотларни Самарқанд шаҳридаги ҲўДЭУ автоустхоналарида ўтаб, назарий билимларини мустаҳкамлаётир.

Шуниси диққатга сазоворки, билим даргоҳи талабаларга Самарқанд қурилиш ва меъморчилик олийгоҳи, Самарқанд Давлат Уни-

верситетининг ўқитувчилари сабоқ бермоқда. Кези келганда илм сирларини пухта ўзлаштириш учун етарли шароит яратиб қўйилганлигини таъкидлаш жоиз. Яқинда коллежга қозоқлик ишбилармонлар ўқув қуроллари ҳада этди.

Наврўз тантаналари давом этаётган ушбу кунларда яна бир савобли ишга қўл урилди. Билим масканида жуда кўп йиллар мотабайнида самарали меҳнат қилган кекса педагог Уруш ва меҳнат фахрийси Маҳмудбек Маърифийга буюст ўрғатилди.

Т.НОРҚУЛОВ, (ЎЗА) олган суратлар.

«13» РАҚАМИНИНГ СИРИ

Қўнгина халқларда 13 бахтсиз рақами ҳисобланганини эшитганмиз. Баъзи халқлар бу рақамни «бахт келтиради» деб билишади.

Европа, Яқин Шарқ ва Америка мамлакатларида бунга яққол қўриш мумкин. Ҳатто Англия ва АҚШдаги бир талай меҳмонхоналарда «13» рақамли хона бўлмайди, 12-қаватдан кейин 14-қават бошланади.

Хўш, бунинг сабаби нимада? Қадимги замонларда бобилликлар ва ассирияликлар 12ни «яхлит сон» ҳисоблашган. 12 рақами 2, 3, 4 ва 6 осонгина бўлинган. Шунинг учун «12»ни аллақандай «сехрли» кучга эга деб ўйлашган.

Қадимги астрономлар бу мулоҳазадан келиб чиқиб, осмонни 12 қисмга, йилни 12 ойга, кунни эса 12 соатга бўлишган.

Бу ҳол динда ҳам ўз аксини топган. Исо пайгамбарнинг 12 та издоши, ундан олдин ўтган Будданинг ҳам 12 нафар шогирди бўлган деган гап бор.

Шунинг учун «13»ни, «12»нинг «илоҳий йўғунлиги»га қарама-қарши ўларок, «жин урган рақам» деб ҳисоблашган.

ISHONCH
Муассис:
Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимуҳаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.30

Маълумки: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компютерида терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.